

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОРИЖГА ЧИҚИШ,
КЕЛИШ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ
ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ КУРСИДАН
МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2013

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Т у з у в ч и - м у а л л и ф л а р :

юридик фанлар номзоди, доцент **М. З. Зиёдуллаев;**
юридик фанлар номзоди **Ж.С. Мухторов;**
Х.А. Қосимов; С.Ш. Уринов

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи полковник **Б. У. Шорихсиев;**
юридик фанлар доктори **А. А. Ҳамдамов**

И–96 Ички ишлар органлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати фаолияти курсидан масалалар тўплами: Ўқув-амалий қўлланма / Тузувчи-муаллифлар: М. З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухторов, Х.А. Қосимов; С.Ш. Уринов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 32 б.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «Ички ишлар органлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати фаолияти» курси бўйича олган билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида тайёрланган бўлиб, унда ўқув курси дастурида белгиланган 8, 10 – 23-мавзуларга оид, ички ишлар органлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимлари берилган.

ББК67.99(5У)8я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

СЎЗ БОШИ

Бугун мамлакатимиз жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотлар кечмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФРБ хизмати тизимида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 4262-сонли 2011 йил 5 январь фармони асосида фуқароларга босқичма-босқич тарзда янги биометрик паспорт бериш йўлга қўйилди. Янги турдаги паспорт амалдагисидан тубдан фарқ қилади ҳамда бир қатор афзаллик ва қулайликларга эга.

Дарҳақиқат, бу ўз навбатида ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг масъулиятини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида «Ички ишлар органлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати фаолияти» йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларнинг билим савиясини ҳамда малакасини янада оширишни тақозо этади. Шу мақсадда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида «Ички ишлар органлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати фаолияти» йўналиши бўйича таълим олаётган курсантлар учун келгусида ички ишлар органлари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати амалий фаолиятида кўп учрайдиган масалалар ҳамда уларни ечишга доир топшириқлар, шунингдек масаланинг қонун ва қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган ечимларини ўз ичига олган ушбу ўқув-амалий қўлланма тайёрланди.

Ўқув-амалий қўлланма илк бор тайёрланганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Шу боис ўқув-амалий қўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

8-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АРИЗА ВА ТАҚДИМНОМАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

1-масала. Бухоро вилояти Қоракўл тумани Ўзбекистон кўчаси, 53-уйда доимий яшовчи, 1960 йил 19 октябрда туғилган фуқаролиги бўлмаган шахс Қодирова Зулайҳо Мўминовна Қоракўл тумани ИИБга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишини сўраб муурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Фуқаролиги бўлмаган шахс Қодирова Зулайҳо Мўминовна Қоракўл тумани ИИБга тақдим этадиган ҳужжатларни айтинг.

2. ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

2-масала. Қашқадарё вилояти Ғузур тумани Алишер Навоий кўчаси, 12-уйда доимий яшовчи, 1967 йил 17 декабрда туғилган фуқаро Тўхтаева Назира Қодировна Ғузур тумани ИИБга келиб, турмуш ўртоғи Тўхтаев Олимжон Рашидович Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанлиги ва Россия Федератив Республикаси фуқаролигини олганлигини, ўртада вояга етмаган бир фарзанди борлигини айтиб, фарзандининг фуқаролиги масаласида маслаҳат сўраб муурожаат қилди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

10-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3-масала. Навоий вилояти Хатирчи тумани Фурқат кўчаси, 26-уйда яшовчи фуқаро Қурбонов Алишер Набиевич Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш учун доимий яшаш жойидаги ИИБ ХЧК ва ФРБга муурожаат қилди.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

11-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ФУҚАРОЛИКДАН ЧИҚИШ АСОСЛАРИ

4-масала. 1978 йил 15 февралда туғилган, Тожикистон Республикаси фуқароси Баратов Ғулом Ғаффорович Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб туриб Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФРБга мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

12-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ ҲУКУМАТЛАРИ ЎРТАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗARO КЕЛИБ- КЕТИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5-масала. Хоразм вилояти Урганч шаҳрида хизматни ўтаётган ЖТС ва ППХ ходимлари Туркменистон Республикаси фуқароси Н. А. Маметовнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўздан кечирганда, унинг ноқонуний яшаб юрганлигини аниқлашди ва ИИБ навбатчилик қисмига билдирги орқали топширишди. Шаҳар ИИБ бошлиғи ушбу фуқаронинг ҳужжатларини қонуний ҳал қилиш учун ИИБ ХЧК ва ФРБга топширди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

13-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА БИОМЕТРИК ПАСПОРТ БЕРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

6-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Абдулла Қодирий кўчаси, 10-уйда яшовчи, 1976 йил 14 декабрда туғилган фуқаро Алимов Бахтиёр Муталович ўзига тегишли бўлмаган Тошкент шаҳар

Мирзо Улуғбек тумани Нуриддин Носиров кўчаси, 25-уйда доимий истиқомат қилувчи, 1976 йил 6 августда туғилган фуқаро Авазов Олимжон Қодировичнинг муддати ўтиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик миллий паспортини топиб олди ҳамда уни Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори кичик сержант Каримов Салим Садировичга топширди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспектори кичик сержант С.А.Каримовнинг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. ХЧК ва ФРБ инспектори кичик сержант С.А.Каримов томонидан тузиладиган процессуал ҳужжатларни расмийлаштиринг.

7-масала. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 10-даҳа, 39-уй, 14-хонадонда яшовчи, 1954 йил 12 майда туғилган фуқаро Азимов Отабек Фарҳодович, ўзига тегишли бўлмаган Тошкент шаҳар Миробод тумани Йўлдош Муҳиддинов кўчаси, 10-уйда доимий яшовчи, 1946 йил 5 майда туғилган фуқаро Йўлдошев Валижон Фахриддиновичнинг уйида вақтинча яшовчи 1956 йил 5 сентябрда туғилган, АҚШ фуқароси Роберт Андерсонга тегишли бўлган фуқаролик миллий паспортини топиб олди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

8-масала. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Ибн Сино кўчаси, 77-уйда доимий яшовчи, 1990 йил 17 июнда туғилган фуқаро Собиров Алишер Хайриддинович Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Бодомзор маҳалласи, 99-уйда яшовчи, 1966 йил 14 октябрда туғилган тоғаси Ғаниев Абдулла Акбаровичнинг уйида вақтинчалик рўйхатга туриб, ушбу жойда паспортини йўқотганлиги бўйича Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига мурожаат қилди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

9-масала. Тошкент вилояти Қибрай тумани Узумзор кўчаси, 25-уйда яшовчи, 1974 йил 12 октябрда туғилган фуқаро Очилов Аброр Турғунович фуқаролик паспортини йўқотганлиги бўйича Қибрай тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилди. Қибрай тумани ИИБ бошлиғи ушбу аризага сипориш қўйиб, уни ўрнатилган

тартибда бажариш учун Қибрай тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғи капитан А.А.Умаровга йўллади.

Бунга асосан Қибрай тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғи капитан А.А.Умаров ўзининг инспекторига ижро йўллайди ва у йиғма иш жилди юритади. Орадан 5-6 кун ўтгандан сўнг фуқаро Очилов Аброр Турғунович йўқотган паспортини топиб олганлиги бўйича Қибрай тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига яна ариза билан мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат юзасидан ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан йиғмажилдга тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

10-масала. Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўрикзор маҳалласи, Собир Раҳимов кўчаси, 7-уйда яшовчи, 1960 йил 30 январда туғилган фуқаро Қодиров Акмал Асрорович миллий паспортини йўқотганлиги бўйича туман ИИБ бошлиғига ариза билан мурожаат қилди. Орадан 2 ой ўтиб, ушбу фуқаро йўқотган эски паспортини топиб олганлигини ва ҳозирги кунда унда 2 та Ўзбекистон Республикаси фуқаролик миллий паспорти борлиги ҳақида маълум қилди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

11-масала. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар Увайсий кўчаси, 34-уйда яшовчи, 1957 йил 31 декабрда туғилган фуқаро Исматов Фаррухжон Ибрагимович вақтинча чет элга шошилиш тарзда чиқиши учун Бекобод шаҳар ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига 1925 йил 11 июнда туғилган ва Тожикистон Республикасида яшовчи отаси Жалилов Жамшид Комиловичнинг оғир бетоблиги тўғрисида телеграмма билан мурожаат қилди. Бекобод шаҳар ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғи майор Х.А. Юлдашев керакли ҳужжатларни тақдим қилишини сўраганида фуқаро Исматов Фаррухжон Ибрагимович ҳозирда паспорти йўқолганлигини баён қилди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

12-масала. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Х. Абдуллаев кўчаси, 22-уйда яшовчи фуқаро Фахриддинова Наргиза Валиевна биометрик паспорт олиш учун ХЧК ва ФРБ инспектори кичик сержант Гуломов Дониёр Ҳамидовичга мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

**15-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИ ЯШАШ
ЖОЙЛАРИДА ВАҚТИНЧА ВА ДОИМИЙ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТАРТИБИ**

13-масала. Андижон вилояти Асака шаҳар Ўзбекистон кўчаси, 54-уйда яшовчи фуқаро Салимова Наргиза Умидовна Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 20-даҳа, 16-уй, 28-хонадонда яшовчи ўғли Салимов Раҳимжон Умидовичнинг уйига доимий рўйхатдан ўтиш учун Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига мурожаат қилди.

Топшириқ. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспекторининг ҳаракатлари ва у томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

14-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Абдулла Қодирий кўчаси, 20-уйда яшовчи, 1968 йил 28 августда туғилган фуқаро Анваров Бахтиёр Ҳакимовичга тегишли уйда ижара асосида 8 та Самарқанд вилоятидан келган фуқаролар 8 ойдан буён, вақтинча рўйхатда турмасдан ишлаб ва яшаб келмоқдалар. Текширув вақтида ушбу фуқаролар бу уйга кеча келганини ва паспортларини уйнинг эгасига берганлигини айтишди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

**16-мавзу. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ЧЕГАРА ЗОНАЛАРИДА БЎЛИШНИ
ТАРТИБГА СОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ**

15-масала. Муқаддам чегара зонасида, яъни Тошкент вилояти Бўстонлик тумани “Сойжара” қишлоғида доимий яшаган, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган ва доимий яшаш учун қайтиб келган Алиев Даврон Бердиевич Бўстонлик тумани ИИБ ХЧК ва ФРБга келиб, доимий рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.
2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

16-масала. Фуқаро Қодиров Абдулла Зафарович чегара зонасида қайд қилиш варақаларисиз, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан қандай фуқаролар чегара зонасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтириб бериш учун Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ га мурожаат қилди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

17-масала. Фарғона вилояти Сўх тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори томонидан 1987 йил 12 апрелда туғилган фуқаро Хуршидов Абдурахмон Раҳимович чегара зонасида рухсатномасиз яшаётганлиги аниқланди.

Топшириқ. Ушбу ҳолат юзасидан ХЧК ва ФРБ инспекторининг ҳаракатларини айтинг.

**17-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ
ТИЗИМИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК**

18-масала. Бухоро шаҳар ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори томонидан фуқароларнинг яшаш жойларида ўтказилаётган паспорт режими тадбирида Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 15-уй, 46-

хонадонда яшовчи фуқаро Юнусов Эркин Файзиевичнинг паспорти кўздан кечирилганда унга тегишли фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати ўтганлиги аниқланди.

Топшириқ. Ушбу ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни айтинг.

**18-мавзу. ДАВЛАТДАН ҚАРЗДОР ҲАМДА НАФАҚА ТЎЛАМАЙ
КИДИРУВДА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ
АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

19-масала. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори М.Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан юборилган нафақа тўламай кидирувда юрган фуқаро Асроров Умид Бахтиёровичга нисбатан кидирув ҳақидаги қарорини бажариш тўғрисидаги хатини ижро этиш бўйича қабул қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

**19-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ
ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ТАРТИБИ
ВА АСОСЛАРИ**

20-масала. Тошкент шаҳар Чилонзор туманида яшовчи фуқаро Валиев Ўткир Ҳошимович Туркия Республикасига сайёҳ сифатида вақтинча чиқиши учун Чилонзор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБга мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

21-масала. Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори сержант А. Болтаевга шу туман Наврўз маҳалласи, 26-уйда яшовчи, 1989 йил 25 ноябрда туғилган фуқаро Раҳмонов Аъзамжон

Нодирович вақтинча чет элга чиқиши учун қаерга мурожаат қилишини ва қандай ҳужжатларни тақдим этишини сўради.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

22-масала. Тошкент вилояти Ангрен тумани Чинор маҳалласи, 28-уйда яшовчи, 1989 йил 15 октябрда туғилган фуқаро Хамраева Насибахон Нодиржоновна Австралия Республикасига доимий яшашга чиқиб кетиш учун туман ИИБ ХЧК ва ФРБга мурожаат қилди.

Топшириқ. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

23-масала. Тошкент вилояти Чиноз тумани Олмазор маҳалласи, 54-уйда яшовчи, 1982 йил 14 мартда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ашуров Олимжон Каримович вақтинча чет элда бўлиб, шу ерда ўзига тегишли фуқаролик паспортини йўқотиб қўйди ва ўша давлатда жойлашган Ўзбекистон Республикаси элчихонасидан “Ватанга қайтиш гувоҳномаси”ни олди. У Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиб, ўзи доимий рўйхатда турган туман ИИБ ХЧК ва ФРБга янги паспорт расмийлаштириб беришларини сўраб мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

**20-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 16 ЁШГА
ТЎЛМАГАН ФУҚАРОСИГА ГУВОҲНОМА
РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ**

24-масала. Тошкент вилояти Олмалиқ тумани Бодомзор кўчаси, 18-уй, 25-хонадонда яшовчи, Чориев Ғулом Дониёрович 2002 йил 6 июнда туғилган, ўғли Дониёров Раҳимжон Ғуломович билан Россия Федерациясига даволаниш мақсадида ўзи яшаётган ИИБ ХЧК ва ФРБга ўғли учун Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқаросига гувоҳнома расмийлаштириб беришни сўраб мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.
2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

25-масала. Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 14-даҳа, 25-уй, 28-хонадонда яшовчи фуқаро Комилов Анваржон Шарипович туман ИИБ ХЧК ва ФРБга келиб, 2000 йил 17 мартда туғилган ўғли Шарипов Сарвар Анваржоновични сайёҳ сифатида ўзи билан бирга чет элга олиб кетиш ниятида эканлиги ҳақида мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.
2. Бундай ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан тузиладиган ҳужжатларни расмийлаштиринг.

**21-мавзу. ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ
БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ
ТАРТИБИ**

26-масала. Хорижий фуқаролар яшаш гувоҳномаларини муддатларини узайтириш ва янгиси билан алмаштиришлари учун ҳудудий ИИБга мурожаат қилди.

Топшириқ.

1. ХЧК ва ФРБга хорижий фуқаролардан яшаш гувоҳномалари муддатларини узайтириш ва янгиси билан алмаштиришлари учун тақдим қилинадиган ҳужжатларни айтиб беринг.
2. Хорижий фуқароларга яшаш гувоҳномалари неча йил муддатга берилишини тушунтиринг.

**22-мавзу. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН
ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШ
ТАРТИБИ**

27-масала. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Аҳмад Дониш кўчаси, 19-даҳа, 10-уй, 28-хонадонда яшовчи, Ўзбекистон Республикаси фуқароси 1972 йилда туғилган, Ли Хан Сойнинг чақирувига биноан унинг акаси Хитой Халқ Республикаси фуқароси, 1967 йилда туғилган Ли

Чан Сой 2010 йилнинг 25 май куни 3 ой муддатга виза рухсатномаси билан меҳмонга келди ҳамда Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига мурожаат қилиб, белгиланган муддатга вақтинчалик рўйхатдан ўтди. Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори сержант С. Ш. Нодиров у билан суҳбат жараёнида қонунларда белгиланган Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини тушунтирди.

2011 йилнинг 28 август куни Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори сержант С. Ш. Нодиров Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилаётган «Спитамен» тадбири давомида юқоридаги хонадонда паспорт тизими бўйича текширув ўтказганида, Хитой Халқ Республикаси фуқароси Ли Чан Сой унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши муддати тугашидан 10 (ўн) кун олдин огоҳлантирилганига қарамай, ҳали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетмаганлиги аниқланди.

Топшириқ.

1. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан қандай жавобгарлик белгиланган.

2. Ушбу ҳолатда ХЧК ва ФР бўлими инспектори сержант С. Ш. Нодировнинг қонуний ҳаракатларини мантиқий кетма-кетликда айтиб беринг.

3. ХЧК ва ФР бўлими инспектори сержант С. Ш. Нодиров томонидан тузиладиган процессуал ҳужжатларни мустақил равишда тузинг.

23-мавзу. ХОРИЖЛИК ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲУДУДИЙ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

28-масала. Туркменистон Республикаси фуқароси Аннагелдиева Айгуль Дурдыевна Тошкент тиббиёт академиясининг 1-курсига ўқишга қабул қилинди. У Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБга вақтинчалик рўйхатга олишларини сўраб мурожаат қилди.

Топшириқ. Ушбу ҳолатда ХЧК ва ФРБ инспектори томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни айтинг.

Ж А В О Б Л А Р

1-масаланинг жавоби:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш тўғрисида илтимоснома;
- сўров-ариза;
- таржимаи ҳол;
- Қодирова Зулайҳо Мўминовнанинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (нотариал тасдиқланган);
- доимий яшаш гувоҳномасидан нусха (нотариал тасдиқланган);
- доимий яшаш жойидан маълумотнома;
- иш жойидан маълумотнома;
- ойлик маоши ҳақида маълумотнома;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- никоҳ тузилганлик ҳақида гувоҳнома (нотариал тасдиқланган);
- никоҳдан ажрашганлик ҳақида гувоҳнома (нотариал тасдиқланган);
- уй дафтарида нусха;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган яқин қариндошларининг ҳар биридан паспорт нусхалар (нотариал тасдиқланган);
- фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари (нотариал тасдиқланган);
- уй эгасининг розилик аризаси;
- ИИБ манзил-маълумот идораси маълумотномаси;
- давлат божи тўлаганлик ҳақида квитанция.

2-масаланинг жавоби:

Бундай ҳолатда Ғузор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори фуқаро Тўхтаева Назира Қодировна ҳамда унинг турмуш ўртоғи Тўхтаев Олимжон Рашидовични қабулига чақиртириб, улар билан суҳбат олиб боради. Суҳбат чоғида уларга «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги» тўғрисидаги қонуннинг 25-моддаси таништирилади, яъни унда белгиланганидек, «агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилиши мумкин»лиги тушунтирилади.

3-масаланинг жавоби:

Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш истагини билдирган фуқаро Қурбонов Алишер Набиевичдан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти номига илтимоснома;
- белгиланган тартибда ариза-анкета;
- таржимаи ҳол;
- фуқаролик паспортидан нусха;
- яшаш жойидан маълумотнома;
- иш жойидан маълумотнома;
- давлатдан қарздорлиги тўғрисида солиқ идоралари ҳамда суд ижрочиларидан олинган маълумотнома;
- никоҳ тўғрисидаги ҳужжатлардан ксеронусха(нотариал тасдиқланган);
- турмуш ўртоғининг розилиги (нотариал тасдиқланган);
- 4 дона фотосурат (35 x 45 мм ҳажмда);
- давлат божи тўлаганлик ҳақида квитанция.

ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу ҳужжатларни қабул қилгач, вилоят ИИБ АМ ҳамда ММБдан текширувлардан ўтказди ва Навоий вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБга юборади. Навоий вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ масъул ходими ушбу тўпланган ҳужжатларни қабул қилиб, Навоий вилояти МХХга юборади. У ердан ижобий фикр билан келган текширув натижасига кўра масъул ходим Навоий вилояти ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланган хулоса асосида ИИБ ХЧК ва ФРБга юборади. ИИБ ХЧК ва ФРБ масъул ходими ушбу ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг МХХҚ ҳамда Ташқи ишлар вазирлигидан текширувлардан ўтказди, уларнинг ижобий фикридан хулоса тайёрлаб, ИИБнинг ўринбосари тасдиқлаган хулосага асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

4-масаланинг жавоби:

Тожикистон Республикаси фуқароси Баратов Ғулом Ғаффорович ўзи доимий яшаб турган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФРБга мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада тақдим қилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти номига илтимоснома;
- белгиланган тартибда ариза-анкета;
- чет эл фуқаролигидан чиққанлигини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролиги йўқ шахслардан ташқари);
- таржимаи ҳоли;
- қонуний тирикчилик манбаларига эга ҳужжатлар (иш жойидан ўртача иш ҳақидаги ёки унинг ўрнини босадиган нафақа, стипендия, ёрдам пули, дивидентлар ва бошқа яшаш манбаи ҳақидаги маълумотнома);
- турар жойидан маълумотнома;
- давлат божи тўлаганлик ҳақида қвитанция;
- 4 дона фотосурат (35 x 45 мм ҳажмда).

ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу ҳужжатларни қабул қилгач, шаҳар ИИБ АМ ҳамда ММБдан текширувлардан ўтказди ва Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБга юборади. Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБ масъул ходими ушбу тўпланган ҳужжатларни қабул қилиб, Тошкент шаҳар МХХга юборади. У ердан ижобий фикр билан келган текширув натижасига кўра масъул ходим Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБ бошлиғи томонидан тасдиқланган хулоса асосида ИИБ ХЧК ва ФРБга юборади. ИИБ ХЧК ва ФРБ масъул ходими ушбу ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг МХХҚ ҳамда Ташқи ишлар ишлар вазирлигидан текширувлардан ўтказди, уларнинг ижобий фикридан хулоса тайёрлаб, ИИБнинг ўринбосари тасдиқлаган хулосага асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

5-масаланинг жавоби:

Қайд қилинган ҳужжатларни қабул қилган ХЧК ва ФРБ инспектори Туркманистон Республикаси фуқаросига тегишли фуқаролик паспортини кўздан кечирганда ҳамда у билан суҳбат ўтказганда, унинг Ўзбекистон Республикасига визасиз келганига 5

кун бўлганлигини ва у шу кунгача ҳеч қандай сабабсиз Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ва қўшни Туркменистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги “Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тартиби тўғрисида”ги Битим талабларига асосан Туркменистон Республикасининг чегара туманларида яшовчи фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасига туташган туманларига бир ойда бир маротаба уч кундан кўп бўлмаган муддатга визасиз киришлари ва бўлишлари мумкин.

Ушбу ҳолат юзасидан ХЧК ва ФРБ инспектори шаҳар МХХга маълум қилади. МХХдан ижобий жавоб олган ходим Туркменистон Республикаси фуқаросига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 225-моддаси 1-қисмига асосан баённома тузади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши учун 2 нусхада хулоса тайёрлаб ИИБ бошлиғига тасдиқлатади. ХЧК ва ФРБ инспектори ҳуқуқбузар Туркменистон Республикаси фуқаросини хулоса асосида Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан чиқиб кетишини таъминлайди ва бу ҳақда шаҳар ИИБ бошлиғига ахборот беради.

6-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФР бўлими инспектори сержант С. Т. Каримов қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролик миллий паспортини Тошкент шаҳар ИИББ манзил-маълумот идорасидан текширади;

– Авазов Олимжон Қодирович бошқа Ўзбекистон Республикаси фуқаролик миллий паспорти олмаган бўлса, у ҳолда ундан паспортнинг муддати ўтганлиги учун (жарима) энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача давлат божи тўлаганлик ҳақида квитанция, янги паспорт расмийлаштириб бериш учун 35 x 45 мм ҳажмдаги (2 дона) фотосурат ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида давлат божи ундиради;

– муддати ўтган паспортни ХЧК ва ФР бўлими ходимлари комиссия аъзолари томонидан далолатнома тузиш, ХЧК ва ФР бўлими бошлиғига тасдиқлатиш, паспортнинг рақами ҳамда русуми кесиб олиниб, 33-шакл китобига ёпиштиради, паспорт эгасининг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзади ва ёқиш йўли билан йўқ қилади;

– Авазов Олимжон Қодировичга 15 кун муддатда янги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик миллий паспортини расмийлаштириб беради.

7-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФР бўлими инспекторининг ҳаракатлари қуйидагича:

– чет эл паспортидаги вақтинча рўйхати қайси вилоят, шаҳар ёки туманда эканлигини текширади;

– ушбу паспорт эгасининг энг охириги вақтинча рўйхатдан ўтган манзилни аниқлайди;

– чет эл паспортидаги вақтинча ёки доимий рўйхатини аниқлагани-дан сўнг, унинг яшаш манзили яқин бўлса ушбу паспортни хорижий фуқарога ёки хорижий фуқаро вақтинча яшаш учун келган уйнинг эгасига тилхат орқали топширади;

– хорижий фуқаро қайси манзилда вақтинча рўйхатда бўлса, шу туман ИИБ навбатчилик қисмига ёки ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига билдирги орқали ушбу топилган паспортни топширади.

8-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

– паспортини йўқотган фуқародан туман ИИБ бошлиғи номига ариза ёздириб, сўнгра батафсил тушунтириш хати олади;

– тушунтириш хатида Тошкент шаҳридаги яқин қариндошининг қайси манзилга вақтинча рўйхатга қўйилганлигини, Фарғона вилоятида доимий қайси манзилга рўйхатга қўйилганлигини аниқлайди;

– Тошкент шаҳар ИИББ манзил-маълумот идораси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот марказидан текширади;

– Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ИИБга паспорт олганлиги бўйича 1-шакл ариза нусхасини олиш учун сўров хати юборади.

9-масаланинг жавоби:

фуқаро Очилов Аброр Турғунович ушбу йўқолган паспортини топиб олганлиги тўғрисида ўзи доимий яшаб турган Қибрай тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат этиб, топилган паспортини ҳам тақдим қилади.

Қибрай тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғи капитан А.А.Умаров, Очилов Аброр Турғуновичнинг ушбу йўқолган

паспортини топиб олганлиги тўғрисидаги ёзган аризасига сипориш қўйиб, ушбу иш билан шуғулланувчи инспекторга ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун йўллайди. Йўқолган паспортлар билан шуғулланувчи ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу аризани кўриб чиқиб, топиб олинган паспортни олгандан сўнг, кейинги янги паспорт олиш учун юритилган йиғмажилдни шу заҳоти тўхтатади.

10-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

- фуқарога унинг биринчи йўқотган эски миллий паспортини шаҳар-туман ИИБга топшириш лозимлигини тушунтиради;
- фуқаро биринчи йўқотган миллий паспортини шаҳар-туман ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига топширган вақтда ходим томонидан ушбу паспортни йўқ қилиш учун далолатнома тузилади;
- фуқаронинг биринчи йўқотган эски миллий паспортининг русуми ва рақамини қирқиб олиб, 33-шакл китобига ёпиштиради.

11-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспектори қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи номига эркин тарзда ёзилган ариза;
- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- турар жойидан маълумотнома;
- никоҳ ҳақидаги гувоҳномадан нусха;
- уй дафтарида (кўп қаватли уй бўлса 16, 17-шакл варақасидан) нусха;
- 2 дона фотосурат (35x45 мм ҳажмда);
- давлат божи тўлаганлик ҳақида қвитанция.

ХЧК ва ФР бўлими ходими ушбу ҳужжатларни қабул қилгач қуйидаги текширувларни амалга оширади:

ИИБ манзил-маълумот идораси;

ИИБ Ахборот маркази.

Ушбу текширувларни амалга оширгач, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисмига асосан баённома тузади ва йиғма жилдга фуқарога паспорт бериш тўғрисида хулоса қилиб, ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғига тасдиқлатади.

12-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

– аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги текширилади ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг берилиши асослари ўрганилади;

– тақдим этилган ҳужжатлар асосида фуқаро махсус анкетани тўлдириб, давлат бојини тўлаганлиги ҳақидаги квитанцияни илова қилади;

– махсус анкета ХЧК ва ФРБ масъул ходими ҳамда бошлиғи имзоси билан тасдиқланади ва фуқарога биометрик маълумотларни топшириш учун навбатни белгиловчи махсус рақам берилиб, унга фотосуратга тушиш ҳамда бармоқ изларини олиш тартиби тушунтирилади;

– аризачи навбатни белгиловчи рақам кетма-кетлиги асосида биометрик маълумотларни топшириш хонасига таклиф қилинади;

– тақдим этилган ҳужжатлар асосида маълумотларни йиғиш пункти оператори фуқаронинг биографик ҳамда биометрик маълумотларини компьютер умумий тўпламига электрон талабномани шакллантириш учун киритади;

– компьютер умумий тўпламига киритилган маълумотлар асос ҳужжатлар билан солиштирилиб, анкета маълумотлари қоғозга чоп этилади. Маълумотларнинг ҳаққонийлиги аризачига таништирилади ва унинг имзоси билан тасдиқланади;

– аризачи маълумотларни тасдиқлагандан сўнг оператор талабномани махсус электрон калит ёрдамида имзолайди. Талабнома маълум вақт давомида текширув ўтказиш ва биометрик ҳужжатни персоналлаштириш учун Давлат персоналлаштириш марказига юборилади;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспорт олишлари жараёнида ХЧК ва ФР хизмати ходимлари ушбу фуқароларнинг маълумотларини тўлиқ олиб, 2-шакл ариза асосида компьютер базасига жойлаштирилиб, сўнгра Давлат персоналлаштириш марказига (ДПМ) жўнатилади;

– Давлат персоналлаштириш марказида паспорт бланкалари расмийлаштирилиб, фелдъегерлик хизматлари томонидан вилоятларнинг ИИОларига тарқатилади, ҳудудий ИИОлари ХЧК ва ФР бўлими, бўлинмалари томонидан фуқароларга тайёр биометрик паспортлар тақдим этилади.

13-масаланинг жавоби:

“Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда ИИВнинг 2012 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 71-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори фуқаро Н.У.Салимовадан қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилади:

- 1-иловага мувофиқ ариза;
- паспорт;
- турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй жой мулкдорининг турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);
- фарзандининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- давлат божи тўланганлик ҳақида қвитанция.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади ҳамда ушбу қонунда кўрсатилган рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ, унинг паспортига штамп ва гербли муҳр қўйиш билан доимий прописка расмийлаштирилади.

14-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспекторининг қонуний ҳаракатлари қуйидагича:

- Анваров Бахтиёр Ҳакимовичнинг кўни-қўшниларидан Самарқанд вилоятидан келган фуқаролар қачондан бери унинг уйида ишлаётганлиги тўғрисида тушунтириш хати олинади;
- агар Самарқанд вилоятидан келган ушбу фуқаролар ҳақиқатан ҳам 8 ойдан бери Анваров Бахтиёр Ҳакимовичнинг уйида вақтинча рўйхатга турмасдан ишлаётган бўлсалар, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223-моддасига асосан, ҳар бир фуқаро энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жаримага тортилади;

– уй эгаси Анваров Бахтиёр Ҳақимович Самарқанд вилоятидан келган 8 та фуқарони вақтинча рўйхатга қўймасдан уйида ишлатаётганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223-моддасига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараварида ўн бараваригача жаримага тортилади.

15-масаланинг жавоби:

Бўстонлик тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори фуқаро Д.Б.Алиевдан қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилади:

– фуқаролик паспорти;

белгиланган тартибдаги ариза;

2 дона фотосурат (35x45 мм ҳажмда);

давлат божи тўланганлик ҳақида қвитанция;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилингани тўғрисидаги маълумотноманинг ксеро нусхаси.

Шунингдек, унинг судлангунга қадар чегара зонасида яшаганлигини, ушбу ҳудудда қариндошларининг мавжудлигини тасдиқловчи маълумотлари олинади.

Бундан ташқари, Бўстонлик тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори фуқаро Д.Б.Алиевдан ушбу ҳужжатларни қабул қилгандан сўнг вақтинчалик қайд қилиш варақаларини белгиланган муддатга расмийлаштириб беради ва ИИБ Ахборот маркази ва манзил-маълумот идорасидан текширувларни амалга оширади.

ХЧК ва ФРБ инспектори ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлигини текширгач, унинг паспортига штамп ва гербли муҳр қўйиш билан доимий прописка расмийлаштириб беради.

16-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспектори қуйидагича тушунтириш беради:

– Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги Миллий хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда чегара зонасида қайд қилиш варақаларисиз, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан бўлиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилайди;

– мазкур рўйхат юқорида кўрсатилган маҳкамаларнинг қўшма қарори билан расмийлаштирилади ва манфаатдор хизматлар эътиборига етказилади;

– чегара зонасида жойлашган аҳоли яшаш масканларига хизмат сафарига юбориладиган шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва хизмат сафари гувоҳномалари билан чегара зонасида бўладилар;

– Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, ИИБ, ФВВ, Давлат чегараларини ҳимоялаш кўмитаси, МХХ, Прокуратура ва Давлат божхона кўмитаси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари чегара зонасига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига мувофиқ келишлари ва бўлишлари мумкин. Шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг оила аъзолари чегара зонасида оила бошлиғининг хизмат жойидан берилган маълумотнома асосида бўлишлари мумкин;

– Мудофаа вазирлиги, Чегара, ички ва қоровул кўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик, ташкилотларнинг ҳарбийлаштирилган тузилмаларининг захирага бўшатирилган ҳарбий хизматчилари, шунингдек, ички ишлар идоралари хизматидан захирага бўшатирилган сафдор ва бошлиқлар таркибига кирувчи шахслар агар ҳарбий хизматга айнан шу жойдан чақирилган бўлсалар ёки у ерда қариндошлари мавжуд бўлса, чегара зонасига хизмат гувоҳномаларига асосан келишлари мумкин;

– ҳарбий хизматга чақирилган шахслар эса чегара зонаси бўйлаб кузатув рўйхатлари ва тегишли мудофаа ишлари бўлимларининг бориш маскани кўрсатилган йўлланмалари асосида ҳаракатланишлари мумкин;

– чегара зонасида жойлашган санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, сайёҳлик базалари ва бошқа даволаниш-соғломлаштириш муассасаларига келаётган фуқаролар уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, санатория ва сайёҳлик йўлланмалари (курсавкалар), шунингдек кўрсатилган муассасалар томонидан бериладиган маълумотномалар асосида келишлари ва бўлишлари мумкин;

– болалар чегара зонасида жойлашган дам олиш оромгоҳлари ва бошқа болалар муассасаларида йўлланмалар асосида бўлишлари мумкин;

– шунингдек, ушбу муассасаларда дам олаётган болаларнинг ота-оналари ўз болаларидан хабардор бўлиш учун чегара зонасида қайд қилинмасдан, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бир кун муддат ичида бўлишлари мумкин.

17-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспекторининг ҳаракатлари куйидагича:

– ушбу ҳолат юзасидан мансабдор шахслар ҳамда кўни-қўшнилари иштирокида далолатнома тузади;

– фуқаро А. Р. Хуршидовдан ҳамда уй эгаларидан, керак бўлса кўни-қўшнилари тушунтириш хати олади;

– фуқаро А.Р. Хуршидов туман ИИБга чақиртирилиб, зудлик билан Фарғона вилояти ИИБ Ахборот маркази ва манзил-маълумотлар идорасидан ҳамда туман МХХдан текширишлар олиб боради, шу билан бир вақтнинг ўзида ИИБ бошлиғи номига ҳолат юзасидан билдирги орқали мурожаат қилади.

Текширишлар натижасига қараб фуқаро А.Р. Хуршидовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 224-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий баённома тузилиб, чегара зонасига кириш ҳамда яшаш қоидаларини бузганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилади.

18-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспекторининг ҳаракатлари куйидагича:

– ушбу ҳолат юзасидан мансабдор шахслар ҳамда кўни-қўшнилари иштирокида далолатнома тузади;

– фуқаро Э. Ф. Юнусовдан тушунтириш хати олади;

– ҳолат юзасидан ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилади.

Фуқаро А.Р. Хуршидовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий баённома тузилиб, پاسпорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилади.

19-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспектори кидирув ҳақидаги ҳужжатни олгач, куйидагиларни текшириб чиқиши шарт:

– кидирув ҳақидаги ҳужжатнинг икки нусхада бўлиши;

- қидирилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва туғилган жой тўлиқ кўрсатилган бўлиши;
- даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва туғилган жойи ҳамда қарзнинг фоизлар бўйича тўлови;
- ИИБ манзил-маълумот идораси орқали даъвогарнинг турар жойининг ҳақиқийлиги.

Ушбу суд ҳужжати юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга мос келган тақдирда қидирув йиғма иш жилди очилади.

Шундан сўнг туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори қидирув эълон қилиш ҳақида қарор чиқаради ва қарздорни аниқлаш бўйича тезкор тадбирлар режасини тузади. Режа туман ИИБ раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори дастлабки қидирув ҳақидаги тадбирларни ҳужжат келиб тушган вақтдан бошлаб 10 кунлик муддатда амалга оширилади. Ушбу тадбирлар режаси асосида ходим қидирув ишларини амалга ошириб боради.

Нафақа тўлашдан бош тортиб юрган шахснинг қаердалиги маълум бўлганда қидирув ишни тўхтатиш учун ХЧК ва ФРБ инспектори ИИБ раҳбари томонидан тасдиқланган қарор чиқаради ва қидирув ишини тўхтатади.

Эслатма: нафақа тўламаётганлар ва қарздорларни қидириш бўйича қидирув ишларини бошлаш учун туман суд ижрочиларининг *ажрими* асос бўлади, фуқароларни қидириш ишлари даъвогарнинг турар-жойидаги ёки корхона, ташкилот, муассасалар жойлашган ҳудуддаги ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

20-масаланинг жавоби:

Чилонзор тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори фуқаро Валиев Ўткир Ҳошимовичдан чет элга вақтинчалик чиқиши учун ИИВнинг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишлари ва Ўзбекистон республикаси ҳудудига киришларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари томонидан рухсат бериш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 230-сонли 2002 йил 1 сентябрь буйруғига асосан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- фуқаролик паспорти;
- икки нусхада ариза-анкета (1-илова);
- давлат божи тўлаганлик ҳақида қвитанция;
- 4 дона фотосурат (35x45 мм ҳажмда).

Туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу ҳужжатларни кўздан кечириб, қуйидаги текширишларни олиб боради:

- ИИБ манзил-маълумот идорасидан;
- ИИБ Ахборот марказидан;
- МХХдан;
- ИИБ аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими Республика марказидан.

Юқоридаги жойлардан текширув натижаларига кўра ушбу фуқарога чет элга вақтинчалик чиқиш рухсатнома стикерини расмийлаштириб беради.

21-масаланинг жавоби:

Тошкент вилояти ИИБ ХЧК ва ФР бўлимига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- 2 нусхада тўлдирилган ва тасдиқланган ариза-анкета;
- давлат божи (энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи) тўлаганлик ҳақида квитанция;
- 4 дона фотосурат (35 x 45 мм ҳажмда).

Бундан ташқари, хорижга чиқмоқчи бўлган фуқаронинг мақсадига кўра қуйидаги ҳужжатлардан бирини тақдим этиши ҳам лозим:

- шаҳар ва туман ИИБ ХЧК ва ФР бўлими агар шахс даволанишга кетаётган бўлса, соғлиқни сақлаш органларининг берган йўлланмаси ёки хориждаги даволаш муассасасининг таклифномасини;
- хизмат сафари билан кетаётган фуқаролар хизмат сафарига юбораётган ташкилотнинг аризасини;
- хориждаги шахслар томонидан таклиф қилинганлар таклифнома нусхаларини;
- махфий ҳужжатлар билан ишловчи фуқаролар кўшимча равишда давлат сирларидан қанчалик хабардорлиги тўғрисида ишлаётган давлат органи томонидан берилган маълумотномани;
- ҳарбий хизматга мажбурияти бўлган 17 ёшдан 27 ёшгача фуқаролар белгиланган шаклдаги чақирув участкасининг маълумотномасини ва ҳ.к.

22-масаланинг жавоби:

ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори ушбу фуқародан чет элга чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- шахсини тасдиқловчи паспорт;
- икки нусхада тўлдирилган ҳамда иш жойидан ёки маҳалласидан тасдиқланган ариза-анкета;
- Ўзбекистон Республикасида қолаётган турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилик хати;
- Хамраева Насибахон Нодиржоновнанинг ота-онасининг нотариал тасдиқланган розилик хати;
- Хамраева Насибахон Нодиржоновнанинг турмуш қурганлик ҳақидаги гувоҳномасидан нусха (нотариал тасдиқланган);
- Хамраева Насибахон Нодиржоновнанинг 4 дона фотосурати (35 x 45 мм ҳажмда);
- давлат божи (энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи) тўлаганлик ҳақида чипта.

ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори ҳужжатларни қабул қилгач қуйидаги идоралардан текширувдан ўтказди:

- МХХдан;
- ИИБ Ахборот марказидан;
- ИИБ манзил-маълумот идорасидан;

ИИБ ХЧК ва ФРБ аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими Республика марказидан.

Чет элга доимий яшашга чиқиш ҳақида ижобий қарор чиқарилгандан сўнг, чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатларни қўшимча тақдим этадилар:

фуқаролик паспорти (яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилган ҳолда);

жўнаб кетиш манзил варақаси;

охирги иш жойидан бўшаганлиги ҳақида маълумотнома;

давлат божи тўлаганлик ҳақида қвитанция.

Туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, унга чет элга доимий яшашга чиқиш учун стикерини расмийлаштириб беради.

23-масаланинг жавоби:

ХЧК ва ФРБ инспектори чет давлатда ўзига тегишли фуқаролик паспортини йўқотиб, Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг “Ватанга қайтиш гувоҳномаси” билан мурожаат қилган фуқаро Ашуров Олимжон Каримовичдан қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилади:

– туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи номига эркин тарзда ёзилган ариза;

– Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг “Ватанга қайтиш гувоҳномаси”;

– туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

– турар жойидан маълумотнома;

– никоҳ ҳақидаги гувоҳномадан нусха;

– уй дафтарида (кўп қаватли уй бўлса 16, 17-шакл варақасидан) нусха;

– 2 дона фотосурат (35x45 мм ҳажмда);

– давлат божи тўлаганлик ҳақида қвитанция.

ХЧК ва ФР бўлими ходими ушбу ҳужжатларни қабул қилгач қуйидаги текширувларни амалга оширади:

ИИБ манзил-маълумот идораси;

ИИБ Ахборот маркази.

Ушбу текширувларни амалга оширгач, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисмига асосан баённома тузади ва йиғма жилдга фуқарога паспорт бериш тўғрисида хулоса қилиб, ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғига тасдиқлатади.

24-масаланинг жавоби:

ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори ушбу фуқародан чет элга чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

– фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (нотариал тасдиқланган нусха);

– чет элга чиқиш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар (Соғлиқни сақлаш идоралари йўлланмаси ва чет элдаги даволаш муассасалари томонидан берилган таклифнома);

– вояга етмаган шахснинг ота-онасининг нотариал тасдиқланган розилиғи;

– ўрнатилган тартибдаги ариза-анкета;

– 4 дона фотосурат (35x45 мм ҳажмда);

– давлат божи тўлаганлик ҳақида қвитанция.

Туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, унга чет элга вақтинча чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириб беради.

25-масаланинг жавоби:

ИИБ ХЧК ва ФР бўлими инспектори ушбу фуқародан чет элга чиқиши учун қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

– фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (нотариал тасдиқланган нусха);

– чет элга чиқиш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– вояга етмаган шахснинг ота-онасининг нотариал тасдиқланган розилиги;

– ўрнатилган тартибдаги ариза-анкета;

– 4 дона фотосурат (35x45 мм ҳажмда);

– давлат божи тўлаганлик ҳақида квитанция.

Туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори ушбу тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб унга чет элга вақтинча чиқиш рухсатнома стикерини расмийлаштириб беради.

26-масаланинг жавоби:

1. Хорижий фуқаролар яшаш гувоҳномаларининг амал қилиш муддати тугашига камида 10 сутка қолганда яшаш гувоҳномаларини алмаштириш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун яшаш жойларидаги ички ишлар идораларига мурожаат қилиб қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– ўрнатилган шаклдаги ариза;

– яшаш гувоҳномаси;

– хорижий фуқаронинг ҳақиқий паспорти;

– 5 дона фотосурат (35 x 45 мм ҳажмда);

– агар яшаш гувоҳномаси фамилия, исм, отасининг исми, миллати, туғилган йили ўзгараётгани ёки ёзувларда ноаниқликлар аниқлангани муносабати билан алмаштирилаётган бўлса, ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади;

– яшаш гувоҳномасини расмийлаштирганлик ва амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига асосан энг кам иш ҳақининг 20 фоиз миқдоридан давлат божи ундирилади.

2. Хорижий фуқаролар учун яшаш гувоҳномалари беш йил муддатга, аммо хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан ошмаган муддатга, шахс 60 ёшга тўлганидан кейин эса – хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатининг охиригача берилади;

- фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси беш йилга, 60 ёшга тўлганидан кейин эса чекланмаган муддатга берилади;
- яшаш гувоҳномаларининг амал қилиш муддатлари белгиланган муддатларга беш мартагача узайтирилади, шундан сўнг яшаш гувоҳномаси алмаштирилади.

27-масаланинг жавоби:

1. Хитой Халқ Республикаси фуқароси Ли Чан Сой Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасининг 1-бандига мувофиқ, уй эгаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ли Хан Сой эса ушбу кодекс 225-моддасининг 3-бандига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка тортилади.

2. ХЧК ва ФР бўлими инспектори сержант С. Ш. Нодиров қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ҳуқуқбузарлар – Хитой Халқ Республикаси фуқароси Ли Чан Сой ва уй эгаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ли Хан Сойлардан тушунтириш хати олади;

- ҳуқуқбузарларнинг ҳар иккаласини туман ИИБ ХЧК ва ФРБдаги мавжуд бўлган “қоидабузарлар маълумотлар тўплами” орқали текширади;

- ҳуқуқбузарларнинг ҳар бирига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади;

- ҳолат юзасидан Юнусобод тумани ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради;

- тўпланган ҳужжатларни қарор қабул қилиш учун Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи ёки Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғига тақдим этади. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддасига асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишга туман, шаҳар ИИБ бошлиғи ёки туман, шаҳар ИИБ ХЧК ва ФР бўлими бошлиғига ваколат берилган;

- ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жарима жазоси тайинланган тақдирда тўланган жариманинг чипталарини маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга тикиб қўяди;

- агарда чет эл фуқароси Ли Чан Сой белгиланган жаримани тўлашдан бўйин товласа ёки уни тўлашга имкони бўлмаса, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ихтиёрий равишда чиқариб юбориш тўғрисида хулоса тузади (хулоса ҳудудий МХХ органлари

билан келишилган ҳолда Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланади);

– агарда чет эл фуқароси Ли Чан Сой Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ихтиёрий равишда чиқиб кетмаса, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан мажбурий равишда чиқариб юбориш бўйича қарор қабул қилади (қарор ҳудудий МХХ органлари билан келишилган ҳолда Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланиб, Юнусобод тумани прокурори санкцияси олинади);

– иккала қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўриб бўлганидан сўнг шу куни улар тўғрисидаги маълумотларни туман ИИБ ХЧК ва ФРБдаги мавжуд бўлган “қоидабузарлар маълумотлар тўпламига” киритади;

– ҳар бир қоидабузарга нисбатан 3 нусхада ҳисоб карточкасини юритиб, бир нусхасини туман ИИБ ХЧК ва ФРБдаги мавжуд картотекага қўшиб қўяди, қолган 2 нусхасини 48 соат ичида Тошкент шаҳар ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХЧК ва ФРБларга юборади.

28-масаланинг жавоби:

Туркманистон Республикаси фуқароси Аннагелдиева Айгуль Дурдыевнани қабул қилган ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мақсадида ундан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

– ўқув юртининг хорижий фуқарони вақтинча қайддан ўтказиш тўғрисидаги талабномаси;

– ўқув юрти ва хорижий фуқаро томонидан тузилган, тасдиқланган шартнома нусхаси;

– миллий паспорт ва республикада бўлиш виза нусхалари;

– ўқув юртининг хорижий фуқарони ўқишга қабул қилганлиги ҳақидаги буйруқдан кўчирма (кўчирма гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим);

ўрнатилган тартибдаги ҳисоб варақаси 3 нусхада (ИИБ, ИИББ, ИИБга);

хорижий талабанинг фотосурати (35x45 мм ҳажмда);

– давлат бојини тўлаганлик ҳақида квитанция.

Туркманистон Республикаси фуқароси Аннагелдиева Айгуль Дурдыевна юқоридаги ҳужжатларни тақдим қилгандан сўнг туман ИИБ ХЧК ва ФРБ инспектори уни ўқув юрти томонидан кўрсатиб берилган ётоқхонага визада кўрсатилган муддатга рўйхатдан ўтказди.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
8-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид ариза ва тақдимномаларни кўриб чиқиш	4
10-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш тартиби	4
11-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва фуқароликдан чиқиш асослари	5
12-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишларини ташкил этиш тартиби.....	5
13-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспорт беришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари.....	5
15-мавзу. Ўзбекистонда фуқароларни яшаш жойларида вақтинча ва доимий рўйхатга олиш тартиби.....	8
16-мавзу. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси чегара зоналарида бўлишини тартибга солишда ички ишлар органларининг вазифалари.....	9
17-мавзу. Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.....	9
18-мавзу. Давлатдан қарздор ҳамда нафақа тўламай кидирувда бўлган шахсларни аниқлаш тартиби.....	10
19-мавзу. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби ва асослари	10
20-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқаросига гувоҳнома расмийлаштириш ва бериш тартиби	11
21-мавзу. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби.....	12
22-мавзу. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби	12
23-мавзу. Хорижлик талабаларнинг Ўзбекистонда бўлишлари ҳамда уларни ҳудудий ички ишлар органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш тартиби	13
Ж А В О Б Л А Р	14

ЗИЁДУЛЛАЕВ Музаффар Зиёдуллаевич,
юримик фанлар номзоди, доцент;
МУХТОРОВ Жўрабек Сайидкулович,
юримик фанлар номзоди;
ҚОСИМОВ Хусан Абдураззокович;
УРИНОВ Саъдулла Шаропович

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОРИЖГА ЧИҚИШ,
КЕЛИШ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ
ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ КУРСИДАН
МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир Б. Қ. Эргашев
Техник мухаррир М. Р. Исаметова

Босишга рухсат этилди 05.06.2013 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 2,0.
Адади 50 нусха. Буюртма № 75.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.